

**№1(1) 2023**



# AYNIY VORISLARI

**XALQARO ELEKTRON JURNAL  
INTERNATIONAL ELECTRONIC JOURNAL**



<https://buxdu.uz/>

ISSN  
E-ISSN

**“AYNIY VORISLARI”**  
xalqaro elektron jurnal

**«НАСЛЕДНИКИ АЙНИ»**  
международный электронный  
журнал

**“AYNIY’S SUCCESSORS”**  
international electronic journal

**№1(1) 2023**

**Jurnal haqida**

***Jurnalga O'zbekiston Respublikasi Prezidenti administratsiyasi huzuridagi axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan ommaviy axborot vositasi davlan ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida 072250 raqamli guvohnoma berilgan.***

*"Ayniy vorislari " xalqaro elektron jurnali*

"Sadridin Ayniy saboqlari " xalqaro elektron jurnaliga taqdim etilgan ilmiy maqolalarga qo'yiladigan asosiy talablar falsafa doktori (PhD), fan doktori (DSc) dissertatsiyalarining asosiy ilmiy natijalarini xalqaro standartlar va O'zbekiston Respublikasi "Oliy attestatsiya komissiyasi to'g'risidagi Nizom" talablari, shu jumladan elektron ilmiy-texnik jurnallarga qo'yiladigan talablar tizimi hisoblanadi.

*«Наследники Айни» международный электронный журнал*

Основные требования к научным статьям, представляемым в международном электронном журнале «Наследники Айни» являются научные труды, рекомендованные для публикации основных научных результатов докторских (PhD), (DSc) диссертаций в соответствии с международными стандартами и «Положением о Высшей аттестационной комиссии» Республики Узбекистан, в частности требования к электронным научно-техническим журналам.

About the magazine

*"Aini's Successors" international electronic journal*

The main requirements for scientific articles submitted to the international electronic journal "Aini's Successors" are scientific publications recommended for the publication of the main scientific results of doctoral (PhD), (DSc) dissertations in accordance with international standards and the "Regulation on the Higher Attestation Commission" of the Republic of Uzbekistan, including from templates in the system of requirements for electronic scientific and technical journals.

**BOSH MUHARRIR****OBIDJON XAMIDOV,**

iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor (O'zbekiston)

**BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI****DILRABO QUVVATOVA,**

filologiya fanlari doktori (DSc), professor (O'zbekiston)

**MAS'UL KOTIB****NAFOSAT O'ROQOVA,**

filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) (O'zbekiston)

**TAHRIR HAY'ATI:****DARMONOY O'RAYEVA,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

**JUMAQUL HAMROH,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

**NURBOY JABBOROV,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

**NURALI NUROV,**

filologiya fanlari doktori, professor (Tojikiston)

**SHAVKAT HASANOV,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

**SHAMSIDDIN SOLIHOV,**

filologiya fanlari doktori, professor (Tojikiston)

**NURETTIN DEMIR,**

Pr. Dok. (Turkiya)

**NAFAS SHODMONOV,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

**ALFIYA YUSUPOVA,**filologiya fanlari doktori (DSc), professor  
(Rossiya)**SHOHIDA SHAHOBIDDINOVA,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

**G'AYRAT MURODOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), professor  
(O'zbekiston)**SHOIRA AXMEDOVA,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

**MEHRINISO ABUZALOVA,**filologiya fanlari doktori (DSc), professor  
(O'zbekiston)**DILSHOD RAJABOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent  
(O'zbekiston)**HUSNIDDIN ESHONQULOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent  
(O'zbekiston)**MA'RIFAT RAJABOVA,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent  
(O'zbekiston)**QAHRAMON TO'XSANOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent  
(O'zbekiston)**MALOHAT JO'RAYEVA,**filologiya fanlari doktori (DSc), professor  
(O'zbekiston)**ZUBAYDULLO RASULOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent  
(O'zbekiston)**SHODMON SULAYMONOV,**

filologiya fanlari nomzodi (O'zbekiston)

**MAQSUD ASADOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), professor  
(O'zbekiston)**HILOLA SAFAROVA,**

filologiya fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

**SAIDA NAZAROVA,**

filologiya fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

**BAYRAMALI QILICHEV,**

filologiya fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

**DILOROM YO'LDOSHEVA,**pedagogika fanlari nomzodi, professor  
(O'zbekiston)**ZILOLA AMONOVA,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent  
(O'zbekiston)**OTABEK NOSIROV,**filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
(O'zbekiston)**MEHRINIGOR AXMEDOVA,**filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
(O'zbekiston)**YARASH RO'ZIYEV,**filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
(O'zbekiston)**SADOQAT MAXMUDOVA,** filologiya fanlari  
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent  
(O'zbekiston)

Ахмедова Шоира Неъматовна  
 Бухоро давлат университети  
 ўзбек адабиёти кафедраси профессори,  
 филология фанлари доктори  
 Email: [axxxmedova@mail.ru](mailto:axxxmedova@mail.ru)

## САДРИДДИН АЙНИЙ АСАРЛАРИ ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИ

**Аннотация:** Талантли шоир, романнавис, публицист, танқидчи ва адабиётшунос, тарихчи, тилшунос, моҳир адиб Садриддин Айнийнинг номи ўзи тирик бўлган даврларданок жаҳонга машҳур эди. Ёзувчининг кўп асарлари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Шу билан бирга Айний ҳақида жаҳон адабиётининг йирик адиблари ҳурмат билан фикр юритишган. Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов, машҳур фаранг адиби Луи Арагон, чех халқининг миллий қаҳрамони Юлиус Фучик, немис адиби Альфред Курелла ва бошқалар адиб ижодига, шахсига ҳурмат билан қарашгани ва эътироф этишгани маълум. “Эсдаликлар” хорижий: қозоқ, эстон, поляк, булғор, арман, озарбайжон, грузин, можор, француз, қирғиз, туркман, қозоқ ва бошқа кўплаб тилларда таржима қилиниб чоп этилган.

**Калит сўзлар:** устод Айний, таржима масалалари, рус, украин, ҳинд, чех, поляк, булғор, арман, “Эсдаликлар”, “Судхўрнинг ўлими”, мемуар-биографик асар, тарихий-биографик метод, Шарқ адабиётшунослиги, бадий образ, жаҳон адабиёти, аслиятдан таржима.

**Аннотация:** Имя талантливого поэта, прозаика, публициста, критика и литературоведа, историка, лингвиста, искусного литератора Садриддина Айного было известно миру еще при его жизни. Многие произведения писателя переведены на многие языки мира. В то же время великие писатели мировой литературы уважительно отзывались об Айни. Известно, что кыргызский писатель Чингиз Айтматов, известный писатель-фаранг Луи Арагон, национальный герой чешского народа Юлиус Фучик, немецкий писатель Альфред Курелла и другие уважали и признавали творчество и личность автора. «Воспоминания» были переведены и изданы на иностранных языках: казахском, эстонском, польском, болгарском, армянском, азербайджанском, грузинском, мадыарском, французском, киргизском, туркменском, казахском и многих других.

**Ключевые слова:** мастер Айни, проблемы перевода, русский, украинский, индийский, чешский, польский, болгарский, армянский, «Воспоминания», «Смерть ростовщика», мемуарно-биографический труд, историко-биографический метод, восточное литературоведение, художественный образ, мировая литература, перевод с оригинала.

**Abstract.** The name of the talented poet, prose writer, publicist, critic and literary critic, historian, linguist, skilled writer Sadridin Ainy was known to the world during his lifetime. Many of the writer's works have been translated into many languages of the world. At the same time, the great writers of world literature spoke respectfully about Aini. It is known that the Kyrgyz writer Chingiz Aitmatov, the famous farang writer Louis Aragon, the national hero of the Czech people Julius Fucik, the German writer Alfred Kurella and others respected and recognized the creativity and personality of the author. «Memoirs» were translated and published in foreign languages: Kazakh, Estonian, Polish, Bulgarian, Armenian, Azerbaijani, Georgian, Magyar, French, Kyrgyz, Turkmen, Kazakh and many others.

**Key words:** Master Ayni, problems of translation, Russian, Ukrainian, Indian, Czech, Polish, Bulgarian, Armenian, «Memoirs», «Death of the usurer», memoir and biographical work, historical and biographical method, oriental literary criticism, artistic image. , world literature, translated from the original.

**Кириш.** Ушбу тадқиқотнинг мақсади С.Айний асарларининг жаҳоншумул аҳамияти ва дунё тилларига таржима қилиниши муаммосини ўрганишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

– устод Айний асарларининг хорижда таржима қилиниши ҳақида фикр юритиш;  
– адиб асарларининг жаҳоншумул аҳамиятини мустақиллик нуктаи назаридан ёритиш;

– Айний асарларининг жаҳондаги йирик адиблар томонидан эътироф этилиши масалаларини ёритиш ва маълум хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, С.Айний ижоди ва асарларининг турли тилларга ўгирилиши ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш ва тарғиб қилиш масалалари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилмоқда.

Дунёга машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов бундан ўттиз беш йил муқаддам босилган “Икки санъаткор” номли мақоласида “Мен Мухтор Авезов билан Садриддин Айнийни доимо ҳурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларнинг ҳар иккиси ҳам нодир ҳодисадир”, – деб ёзган эди.

С.Айний асарларининг турли тилларга амалга оширилиш жараёнини тадқиқ этиш бугунги адабий жараёнда фаолият кўрсатган ўзбек ёзувчи ва шоирлари ижодини хорижда тарғиб қилиш муаммоларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бу эса ўзбек мумтоз адабиёти, замонавий адабиёт намуналарини таржима қилиб, жаҳон миқёсига олиб чиқиш ривожига йўл очади.

**Муҳокама ва таҳлил.** Садриддин Айний ўз ижодий фаолияти давомида машҳур ёзувчи ва олим, улкан тарихчи ва публицист, адабиётшунос ва тилшунос, шарқшунос олим ва йирик жамоат арбоби сифатида бутун дунёга танилди. Адибнинг “Бухоро жаллодлари”, “Одина”, “Доҳунда”, “Судхўрнинг ўлими”, “Эски мактаб”, “Қуллар”, “Етим” ва “Эсдаликлар” каби йирик бадиий асарлари ўзбек ва тожик адабиётларигагина эмас, балки бутун жаҳон адабиёти ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”, “Бухоро манғит амирлари тарихи”, “Муқанна кўзғолони”, “Темур Малик” сингари асарлари тарих фани учун қанчалик муҳим бўлса, “Тожик адабиётидан намуналар” номли антологияси, Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Бедил, Навоий, Ибн Сино, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ҳаёти ва ижодига доир рисолалари, илмий-танқидий мақолалари ҳам адабиётшунослик ва шарқшунослик учун бирдек муҳим аҳамиятга эгадир.

Садриддин Айний адабиётимизда улуғ Алишер Навоий бошлаб берган зуллисонайнлик – икки тилда ижод қилиш анъаналарини давом эттирди ва ўз ижоди билан уни юқори босқичга кўтарди. У икки халқ яратган бой адабий меросдан баҳраманд бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида яратган барча асарлари нафақат ана шу икки халқнинг, балки жаҳон адабий меросининг умумий мулкига айланиб қолди. Садриддин Айний кейинги ўттиз йиллик ижоди давомида тожик ва ўзбек адабиётларининг буюк арбоби сифатида танилди. Бу икки халқ миллий адабиётларини дунё миқёсига олиб чиқди ва бутун жаҳонга танитди.

XX асрдаги Марказий Осиё адиблари орасида Европа аҳли кашф этган адибларнинг дастлабки устод Садриддин Айний бўлган. Шу боис 1962 йилда Қоҳирада бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг халқаро конгрессида Айний номи ҳинд ёзувчиси Робиндранат Тхакур, хитой адиби Луи Синь ва араб ижодкори Тоҳо Ҳусайнлар қаторига қўйилган. Бундан ташқари устод таваллудининг 1978 йилда юз йиллиги нишонланганда ЮНЕСКО томонидан Садриддин Айний йили деб эълон қилиниб, адиб ижоди жаҳоний шухрат касб этган эди.

Немис адиби Альфред Курелла эса уни “Шарқ маданиятини пухта ўрганган буюк билимдони” ва вориси деб ҳисоблайди. Чех адиби Юлис Фучик унинг сиймосида ўз халқи дардини ҳам ифодалай олган адибни кўради. “Айний фақат сизнинг ёзувчингиз бўлиб қолмай, бизнинг ҳам ёзувчимиздир. Унинг китоблари биз учун фақат гўзал санъатгина бўлиб қолмай, шу билан бирга кўргазмали ўқув қуроли ҳамдир”.

Поляк адиби Бруно Ясенский адибни “мазлумлару ситамдийдалар куйчиси” деб атайдди. Француз адиби Андре Воюрмсер, эрон ёзувчилари Саид Насафий ва Гулпочин Улфат ҳамда рус адиблари Константин Федин ва Л.Леоновлар Садриддин Айнийни жаҳон адабиётининг буюк вакиллари Жек Лондон, Редьярд Киплинг, Максим Горький ва Кнут Гамсинлар қаторига қўйишди. Бу далиллар Айний асарларининг хорижий мамлакатларда тарқалиш жараёнига дахлдордир.

Бу фикрлар Айний асарларининг хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилиниши ва тарқалиш жараёни билан ҳам боғлиқдир. Биргина “Эсдаликлар” мемуар асари тўла ҳолида 1954-1978 йиллар орасида рус тилида 14 марта чоп этилган. Бу асар адибга шу қадар катта шухрат келтирдики, қисқа муддат ичида дунё тилларига таржима қилина бошлади. Поляк (1950), литва (1951), қозок (1951, 1953), украин (1952), булғор (1952), уйғур (1952, 1953, 1954, 1955), чех (1952), эстон (1953), хитой (1953, 1957), қирғиз (1954), немис (1955), туркман (1956), грузин (1956), француз (1956), можор (1956), арман (1957), араб (1957), озарбайжон (1958), япон (2010) тилларига таржима қилинган ҳолда чоп этилган. Бу асар Эрон ва Афғонистонда, шунингдек, пушту, ҳинд тилларига ўгирилган ва нашр қилинган.

Устод Айний “Эсдаликлар”ини ҳозир жаҳоннинг ўттиздан ошиқ тилларида ўқишади. “Судхўрнинг ўлими”, “Қуллар”, “Одина” асарлари жаҳоннинг қирқдан ортиқ тилларига ўгирилган. Адиб ижодига бундай жаҳоншумул қизиқишнинг асосий сабабларидан бирини профессор О.Сафаров “адиб асарларида халқ турмушини ўзига хос миллийлиги ва бутун мураккаблиги билан ҳаққоний акс эттира олганлиги...ва моҳирона” тасвирлаганлигида деб кўрсатади [3,137]. Ҳақиқатан ҳам Шарқ маданиятининг билимдони Айний Ғарб маданиятини ҳам ўзлаштириб олган, икки маданиятнинг ривожига муҳим роль ўйнаган адиб эди. Шу билан бирга Шарқ маданиятининг энг яхши томонларини тарғиботчиси сифатида танилганини жуда кўп адиблар эътироф этишади.

Техрон университети профессори Саид Нафисий Айний дийдорини кўришни орзу қилиб, асарларидан баҳраманд бўлганлигини, унинг Темур замонидан сўнг Марказий Осиё шоирларининг таржимаи ҳоли ва танланган асарларидан намуна бўлган “Тожиқ адабиёти намунаси” китоби бошқа баёзларга нисбатан диққатини кўп тортганлигини таъкидлар экан, китобда зикр этилган шоирлардан Эронда кўпчилик беҳабарлигини ҳам қайд этиб ўтади. Шарқ адабиётининг билимдони бўлган Айнийнинг Рудакий, Ибн Сино, Саъдий ҳақидаги китобларини ўқигандан сўнг руҳан Айнийга боғланганлиги, Тошкентда у билан икки марта учрашганлиги ва унинг улуғ инсонлигини хотираларида чуқур ҳурмат билан тасвирлайди: “Шундай қилиб, назаримда, Садриддин Айний бор ҳам, йўқ ҳам. Тўғри, завқ-шавқдан жўшган, чуқур билимдон бу сиймо дилга ёқувчи ширин суҳбатдош, дилга ором берувчи мулойим кўзлар бу жаҳонда йўқ. Аммо унинг бутунисича инсониятга хизмат қилувчи, маърифат оламида нур сочувчи асарлари ҳеч қачон сўнмайди, у яшамокда, яшайди ва буюклигича қолади”.

1966 йилда немис адиби Альфред Курелла тантанали йиғилишда ўтириб, Айнийга бағишлаб бир рубой ёзади ва уни немис тилида ўқиб беради.

Ein nie gehorter Name ist zu ins gekommen, Aini!  
 Dann haben Dein eignes Wort er si erstsnt Wir nommen Aini,  
 In nener Gestast kom durch der osten Zu uns –  
 Seitdem bist Du uns uls Westo“stlicher Nittler  
 Wislibommen Aini!

Рубойининг насрий таржимаси қуйидагича:  
 “Сенинг ҳеч қачон эшитилмаган номинг бизга келиб етди, Айний,  
 Сўнг биз сенинг сўзларингни ҳайрон бўлиб билдик. Айний,  
 Шарқни янги қиёфада сен орқали тасаввур этдик,  
 Шундан бери сени Шарқ-Ғарбнинг улуғ воситачиси сифатида севамиз Айний.

“Сенинг ҳеч қачон эшитилмаган номинг” жумласидаги “ein nie” сўзи немисча “айний” деб талаффуз этилади” [1,37]. Альфред Курелла немис адабиётининг адабий-

сий журнали “Халқаро адабиёт” учун “Эсдаликлар”нинг иккинчи китобини таржима қилган. Бу таржима болалар нашриётида немис тилида тўлиқ икки томликнинг нашр этилиши учун туртки бўлганлигини, шу билан бирга Айний ижодига бўлган улкан ҳурматини эътироф этади.

Ёзувчи С.Айний юртдоши, ҳамфикр, ҳаммаслакларидан бири бўлган Файзулла Хўжаев билан узоқ вақт дўстона ижодий ҳамкорликда бўлган. Маърифатпарвар Ф.Хўжаевнинг тавсияси, дўстона маслаҳати билан С.Айний ўзининг 1922 йилда ёзган “Қиз бола ёхуд Холида” номли асарини 1924 йилда ўзбек тилида Берлинда нашр этирилишига муваффақ бўлган. Шунингдек, Ф.Хўжаевнинг самимий ёрдами билан адибнинг “Одина” қиссаси рус тилига таржима қилиниб, 1930 йилда биринчи марта Москвада нашр этирилган.

Ф.Хўжаев асарнинг русча нашрига ёзган сўзбошисида қиссанинг асосий моҳияти, ғояси ҳақида сўз юритиб, Айний ўз асарида мутлақо ҳуқуқсиз бўлган ва шафқатсизликка маҳкум этилган юз минглаб меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳаққоний равишда ҳеч қандай бўёқсиз тасвирлаб берганлигини таъкидлайди. Бухоро амирлиги кўл остида бўлган халқнинг турмуш даражаси ниҳоятда оғир эканлиги, айниқса, тожикларнинг ҳаёт кечириши ҳаммадан кўра аянчилюроқ эканлигини кўрсатиб беради.

Айний асарларининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида фикр юритганда, “Эсдаликлар”дан сўнг “Судхўрнинг ўлими” қиссасининг машҳур бўлганлигини таъкидламоқ зарур бўлади. Фикримизни машҳур фаранг адиби Луи Арагон адибнинг “Судхўрнинг ўлими” қиссаси ҳақида: “Садриддин Айний ўзининг бу ўлмас асари билан жаҳон адабиётининг буюк намояндалари Бальзак, Шекспир, Гётелар қаторида туради” деб ёзгани ҳам далиллайди.

Чингиз Айтматов ҳам хотираларида Айнийнинг ажойиб асарлари кўплигини таъкидлар экан, китобхонларни “унинг ғоят ажойиб сатирик повести – “Судхўрнинг ўлими” билан танишиб чиқишга қизғин” даъват этади: “Унда бениҳоя кучли ижтимоий заряд бор. Унда сатирикнинг Бухоро Гобсекини жуда яхши тасаввур этиш имконини берадиган улкан, буюк маҳоратини кўрамиз”, – деб ёзган эди [1, 56].

Адабиётшунос олим М.Кўшжонов ҳам XX асрнинг 80-йилларида Қори Ишкамба образини Бальзакнинг Гобсеги билан чоғиштиради. Ҳар икки асарда ҳам бадиий ғояни ифодалайдиган образлар моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган номлар танланганини кўрсатади [4,83].

Бу масалага мустақиллик йилларида академик Н.Каримов сал бошқачароқ ёндошади: «Бальзак ўз қахрамони учун Жан Эстер Ван Гобсек исмини бежиз танламаган. Гобсек француз тилида очофат маъносини англатади. Гобсек очофатлиги туфайли француз жамиятидаги унинг ёрдамига муҳтож кишилар бойлигини ҳеч бир андишасиз, аксинча, судхўрлик қонуни асосида осон-гаров ўзлаштириб олади ва ўзи ҳам ана шу мудҳиш очофатликнинг қурбони бўлади.

С.Айний қахрамонининг номи аслида - Қори Исмаи. Лекин у ҳам Гобсек сингари очофат бўлгани учун баъзилар уни «Қори Исмати Ишкам», баъзилар «Қори Исмати Ишкамба», бошқа бирлар эса қисқартириб, «Қори Ишкамба», яъни «Қорин қори», дейдилар. Кўрамизки, С.Айний Бальзак асаридан хабарсиз бўлганига қарамай, асар қахрамонига «Гобсек» – очофат сўзига ҳамоҳанг исми берган [2, 24].

Кўринадики, С.Айний жаҳон адабиётида хасислар галереясини ўзи маҳорат билан яратган образ билан тўлдирди ва Бальзак сингари адиблар қаторидан ўрин ола билди.

**Хулоса.** Бадиий сўз санъаткори, кўп қиррали ижод соҳиби бўлган Айний ўзининг бутун онгли ҳаёти ва ижодий истеъдодини халққа бағишлади. Икки қондош ва жондош ўзбек ва тожик халқининг донишманд фарзанди, шу халқлар адабиётининг дунёга танилишида улкан ҳисса қўшган улуғ адиб Садриддин Айний умри боқий асарлар яратган санъаткорлардан ҳисобланади. Бу эса Айний XX асрда адабий-ижтимоий тафаккурда феноменал ҳодисалардан бири сифатида дунё тамаддуни тарихида абадий қолишини кўрсатади.



Шундай экан, С.Айний сингари истеъдодли ва буюк ўзбек адибларининг асарларини дунё тилларига таржима этиш сингари хайрли ва эзгу ишларни амалга ошириш ўзбек адабиётини нодир ҳодиса сифатида дунёга танитишда пиллапоя вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

#### Адабиётлар:

1. Айний замондошлари хотирасида. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. –Тошкент. 1978.
2. Каримов Н. С.Айний ва Бальзак // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. № 2. –Б.4.
3. Сафаров О. Жаҳон назарига тушган сиймо (Устод Айний ижодига оид кузатишлар). / Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. (Мақолалар ва рисолалар). – Бухоро: Дурдона, 2015. – Б.137.
4. Қўшжонов М. Айний ижодининг эволюцияси. –Тошкент: Фан, 1988.
5. Akhmedova Sh. N. Progress of portrait writing in the period of globalization in literary studies // Russia-Uzbekistan. International educational and socio-cultural technologies: vectors of development. – 2019. – S. 12-14.
6. Akhmedova Sh. N., Norova N. About development and character of the genre of review // International scientific journal. – 2016. – P. 37.
7. Axmedova Sh. N. DEVELOPMENT OF PORTRAITS IN UZBEK AND FRENCH LITERATURE // International Journal of Word Art. – 2020. - Т. 6. - №.3.
8. Saidburhonovna K. N., Ne'matovna A. S. Style and skill: Critic's artistic ability //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 8. – №. 9 S3. – С. 1245-1250.

## MUNDARIJA

<b>Bosh muharrir minbari .....</b>	<b>5</b>
<b>Хамидов Обиджон Хафизович. Sadriddin Ayniy yurtida adib nomidagi xalqaro elektron jurnalga asos solindi .....</b>	<b>5</b>
<b>Садриддин Айний ҳаёти ва ижодига доир тадқиқотлар .....</b>	<b>6</b>
<b>Қиличев Эргаш Ражабович. Садриддин Айний – сўз санъаткори.....</b>	<b>6</b>
<b>Сафаров Охунжон. Устод Айнийнинг мусиқа ва санъат аҳлига муносабати.....</b>	<b>14</b>
<b>Ҳаққулов Иброҳим Чориевич. С.Айнийнинг мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси.....</b>	<b>20</b>
<b>Нуралӣ Нурзод. Бозтоби наврӯзи Бухоро ва оинҳои он дар “Ёддоштҳо”-и устод Айний ...</b>	<b>22</b>
<b>Ҳасанов Шавкат Аҳадович. Ижодкор шахсияти ва воқелик талқини.....</b>	<b>32</b>
<b>Муродов Ғайрат Некович. Садриддин Айнийнинг романнавислик маҳорати .....</b>	<b>38</b>
<b>Ахмедова Шоира Неъматовна. Садриддин Айний асарлари ва жаҳон адабиёти.....</b>	<b>44</b>
<b>Ўраева Дармоной Саидахмедовна. Садриддин Айнийнинг фольклордан фойдаланиш маҳорати .....</b>	<b>49</b>
<b>Қувватова Дилрабо Ҳабибовна. Ўзбек насри тараққиётида Садриддин Айнийнинг ўрни.....</b>	<b>54</b>
<b>Файзуллоев Бахтиёр Бобожонович. Садриддин Айний – адабиётшунос.....</b>	<b>58</b>
<b>Фольклоршунослик ва адабиётшунослик масалалари.....</b>	<b>62</b>
<b>Арипова Халима Ариповна. Особенности изучения поэмы на уроках литературы в 8 классе.....</b>	<b>62</b>
<b>Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич. Заҳириддин Муҳаммад Бобур замондошлари нигоҳида .....</b>	<b>69</b>
<b>Amonov Ulug'murod Sultonovich, Saparova Shahlo Ramazonovna. Elbek – bolalar adabiyotini o'qitish metodikasining asoschisi.....</b>	<b>73</b>
<b>Sharipova Raxima Muxtorovna. Yangi o'zbek she'riyatida qor tasvirining berilishi.....</b>	<b>78</b>
<b>Azimova Muhabbat Samadovna. Sadriddin Salim Buxoriy she'riyatida badiiy san'atlar .....</b>	<b>82</b>
<b>Қудратова Муборак Шухратовна. Асқар Маҳкам шеъриятида илоҳий-ирфоний мотивлар тадрижи .....</b>	<b>86</b>
<b>Saidova Nodira Mustakimovna. Rahim Vohidovning “Yog'di o't ustiga qor...” tadqiqotida tahlil va talqin mahorati.....</b>	<b>91</b>
<b>Tilshunoslik va tarjimashunoslik muammolari .....</b>	<b>96</b>
<b>Шаҳабитдинова Шохида Ҳошимовна, Қосимова Мадина Зайнобидиновна. «Бахтлилик ва бахтсизлик» концептуал бинар оппозицияси ифодаловчиларининг луғатлардаги таҳлили.....</b>	<b>96</b>
<b>Абузалова Мехринисо Кадировна. Грамматик валентлик ва унинг синтактик қурилма тузилишини белгилашдаги аҳамияти.....</b>	<b>104</b>
<b>Juraeva Malohat Muhammadovna. The category of modality in linguistics and its features (on the example of french and uzbek fairy tales) .....</b>	<b>111</b>
<b>Джураева Зулхумор Раджабовна. «Маскулинность» и «феминность» как ключевые категории гендерной лингвистики .....</b>	<b>117</b>
<b>Yuldasheva Dilrom Nigmatovna. Sukut lingvopragmatik birlik sifatida .....</b>	<b>123</b>
<b>Toirova Guli Ibragimovna, Chudakova Vera Petrovna, Quziyeva Taxmina Faxriddinovna. Integral raqamli vositalardan foydalanish jarayonida o'zbek tiliga moslashtirilgan qisqartmalarni yozish xususiyatlari .....</b>	<b>132</b>